# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 1 август, № 150 (6844) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)НИНГ ДАВЛАТ ВА КОРПОРАТИВ ХАРИДЛАР ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишда кўмаклашиш, маҳаллийлаштириш жараёнларини кенгайтириш, аҳолининг бандлиги ва саноат маҳсулотлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Ушбу мақсадда тузилган "Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекцияси" давлат корхонаси (кейинги ўринларда Дирекция деб юритилади) томонидан кўргазма-ярмарка савдоларини ташкил этиш, уларда иштирок этишга товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларни жалб этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар Дирекция фаолиятини ташкил этишнинг амалдаги тартиби давлат ва корпоратив харидларнинг очиқлиги ва шаффофлигини лозим даражада таъминламаётганлигини кўрсатди.

Хусусан, тендерлар ўтказмасдан тўғридан-тўғри шартномалар асосида Кооперация биржаси доирасида асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган хом ашё ва материалларнинг харидини амалга оширишга имкон берувчи амалдаги тартиб турли хил коррупция кўринишлари, шу жумладан, олдиндан белгиланган етказиб берувчилар билан шартномалар тузиш мақсадида биржалардан фойдаланиш учун шароит яратмоқда.

Кўргазма-ярмарка тадбирларини ўтказишнинг тартиб-таомиллари, энг аввало, кичик бизнес субъектларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш учун давлат ва корпоратив буюртмаларни олишга бўлган имкониятларини, оқибатда соғлом рақобат муҳитини янада ривожлантиришни лозим даражада таъминламаяпти.

Дирекция томонидан тузилган шартномаларни таҳлил қилиш ва улар асосида тегишли лойиҳаларни Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш юзасидан таклифларни шакллантириш, маҳаллий хом ашё базасида тайёр маҳсулотларни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш учун саноат кооперациясининг роли ва аҳамиятини ошириш бўйича асосий вазифалар амалда бажарилмаган.

Бундан ташқари, Дирекция фаолиятига илғор ахборот-коммуникация технологияларининг паст даражада жорий этилганлиги давлат ва корпоратив харидларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шартномаларни рўйхатга олишнинг самарасиз тизими, тузилган шартномалар ижросини назорат қилишнинг таъсирчан механизмлари мавжуд эмаслиги аксарият ҳолларда қабул қилинган шартнома мажбуриятлари ва тасдиқланган тармоқ жадвалларининг бажарилмаслигига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари маблағларидан самарали фойдаланилишини, рақобатнинг янада ривожланишини ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб беришга давлат ва корпоратив буюртмалардан тенг фойдаланиш имкониятини, шунингдек, мазкур жараённинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг "Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекцияси" давлат корхонасини тугатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда Дирекцияни тугатиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур чораларни кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидлар тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими доирасида давлат харидлари ягона ахборот порталини ҳамда ресурслар ягона миллий маълумотномасини яратиш орқали уларнинг очиқлиги ва шаффофлигини оширишга қаратилган таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

"Ўзэкспомарказ" Миллий кўргазма мажмуасининг кўргазма-ярмарка фаолиятини янада ривожлантириш бўйича таклифларни;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 31 июль

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)НИНГ ДАВЛАТ ВА КОРПОРАТИВ ХАРИДЛАР ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишда кўмаклашиш, маҳаллийлаштириш жараёнларини кенгайтириш, аҳолининг бандлиги ва саноат маҳсулотлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Ушбу мақсадларда кўргазма-ярмарка савдолари, шу жумладан, ҳар йили ташкил этилаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар кўргазма-ярмарка савдоларини ташкил этиш ва ўтказишга масъул бўлган "Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекцияси" давлат корхонаси (кейинги ўринларда Дирекция деб юритилади) фаолиятида жиддий камчиликлар мавжудлигини, бу эса давлат ва корпоратив харидларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга салбий таъсир этаётганлигини кўрсатди.

Хусусан, тендерлар ўтказмасдан тўғридан-тўғри шартномалар асосида кўргазма-ярмарка савдолари доирасида асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган хом ашё ва материалларни харид қилишнинг амалдаги тартиби турли хил коррупция кўринишлари, шу жумладан, реал бозор конъюнктурасини инобатга олмасдан шартномалар тузиш, нархларни ошириш ва сифатсиз маҳсулотларни етказиб бериш учун шароит яратмоқда.

Кўргазма-ярмарка савдоларини ўтказишнинг тартиб-таомиллари, энг аввало, кичик бизнес субъектларининг давлат ва корпоратив буюртмаларни олишга бўлган имкониятларини лозим даражада таъминламаяпти, бу эса бозорда соғлом рақобатни ривожлантиришни чеклаб қўймоқда.

Кўрсатилган муаммолар битимларни тузишнинг шаффоф механизми йўқлиги, ушбу соҳага илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича ишларнинг етарли эмаслиги сабабли кучаймоқда.

Бундан ташқари, илгари ўтказилган халқаро саноат ярмаркалари ва кооперация биржалари доирасида тузилган шартномалар ижро этилиши якунларининг таҳлили шартнома мажбуриятлари ва тасдиқланган тармоқ жадвалларининг бажарилиши тўлиқ таъминланмаётганлигини кўрсатди.

Мазкур ҳолат кўргазма-ярмарка савдоларида тузилган шартномаларни ижро этиш жараёни устидан лозим даражада назорат ўрнатилмаганлигидан, уларни тузишда, шу жумладан, Дирекция ишини ташкил этишдаги хатолар оқибатида содир этилган суиистеъмолчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Шу билан бир қаторда, Дирекция томонидан тузилган шартномаларни таҳлил қилиш ва улар асосида тегишли лойиҳаларни Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш юзасидан таклифларни шакллантириш, маҳаллий хом ашё базасида тайёр маҳсулотларни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш учун саноат кооперацияси роли ва аҳамиятини ошириш бўйича асосий вазифаларнинг бажарилиши амалда таъминланмаган.

Кўргазма-ярмарка савдоларини самарали ўтказиш учун павильон майдонлари ва бошқа инфратузилмаларнинг етарли эмаслиги етказиб берувчиларнинг талабларини тўлиқ даражада қаноатлантирмаган, шунингдек, уларнинг иштирокчилари доирасини, айниқса, кичик бизнес субъектлари ҳисобидан кенгайтириш имконини бермаган.

Баён этилганлар инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарори билан Дирекция тугатилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидлари тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш топширилди. Таклифлар Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими доирасида давлат харидлари ягона ахборот портали ҳамда ягона миллий ресурслар маълумотномасини ташкил қилиш орқали мазкур тизимнинг очиқлиги ва шаффофлигини оширишни назарда тутиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан ташкил қилинмоқда ҳамда ҳар бир ресурснинг (товарлар, ишлар ва хизматларнинг) ҳақиқий бозор қийматини шакллантириш имконини берадиган Ресурслар ягона миллий маълумотномасини жорий этишни, шунингдек, давлат харидларининг шаффофлиги ва суиистеъмолчиликларнинг олдини олишни таъминлайдиган ягона автоматлаштирилган тизимни яратишни назарда тутади.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган қарор давлат ва корпоратив харидлар жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш, кўргазма-ярмарка савдоларидан қонунга хилоф мақсадларда фойдаланиш имкониятларига чек қўйиш, тузиладиган шартномаларнинг ижроси устидан назоратни таъминлашга, пировард натижада бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, рақобатни янада ривожлантириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг давлат ва корпоратив харидларда иштирок этиши учун тенг имкониятлар яратишга кўмаклашади.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



## ДЕПУТАТЛАР БИР ҚАТОР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

*2017 йил 31 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Кун тартибига 22 та масала киритилди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги, «Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.*

Мажлисда қайд этилганидек, қонун лойиҳалари 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Шуни таъкидлаш керакки, жорий йил 12 июль куни парламент ва сиёсий партиялар вакиллари билан учрашув чоғида мамлакатимиз раҳбари томонидан билдирилган вазифаларни инобатга олган ҳолда Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларининг дастлабки тарздаги муҳокамаларини ташкил этишга бўлган ёндашув қайта кўриб чиқилди. Хусусан, қонун лойиҳалари фақат Қонунчилик палатасининг ўзидагина эмас, балки жойларда ҳам муҳокама этилди. Муҳокамаларда ҳудудий партия ташкилотларининг, халқ депутатлари тегишли Кенгашларидаги партия гуруҳларининг вакиллари, шунингдек, оддий фуқаролар иштирок этдилар. Давлат раҳбарининг мазкур ташаббуси аҳоли ўртасида кенг қўллаб-қувватланди ва қонун лойиҳаларининг янада пухта ишлаб чиқилишига кўмаклашди.

Бундан ташқари, қонун лойиҳаларининг қўмиталар, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, Экоҳаракат депутатлар гуруҳидаги дастлабки тарздаги муҳокамаларига Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, экспертлар ва мутахассислар таклиф этилди. Шу тариқа турли табақалар ва гуруҳларнинг, экспертлар ҳамжамиятининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилишдаги манфаатлари инобатга олинишини таъминланди.

Депутатлар ўз ишларини «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама этишдан бошладилар. Таъкидландики, унинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза этиш кафолатларини кучайтиришга, уларнинг фаолиятига давлат органлари ва бошқа ташкилотлар асоссиз аралашувининг олдини олишга, бизнес-омбудсман институти фаолиятининг ҳуқуқий механизмларини белгилашга қаратилган.

Депутатлар мазкур қонун тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш учун кенг имкониятлар очишини алоҳида таъкидладилар. Шуниси ҳам борки, бу фақат ўзимизнинг тадбиркорлар учунгина эмас, балки ўз бизнесини Ўзбекистон Республикасида амалга ошираётган хорижий компанияларга ҳам тааллуклидир. Зеро, қонун лойиҳаси илғор хорижий тажрибани, хусусан, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Австралия, Канада, Жанубий Корея каби мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

## Чирчиқ давлат педагогика институти

### Тошкент вилоятида малакали педагог кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш имкониятини яратади

*Тошкент вилояти жамоатчилиги, зиёлилар, ота-оналар, ёшлар ҳамда ҳудуддаги халқ таълими тизими муассасалари ходимлари томонидан Президентимизнинг "Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори катта хурсандчилик билан қарши олинди.*

МУНОСАБАТ

Педагогларимиз мазкур тарихий ҳужжатнинг ўз вақтида қабул қилинганлигини якдиллик билан эътироф этмоқда. Чунки ушбу қарор, биринчи навбатда, вилоятдаги мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячилар, бошланғич синф ўқитувчилари, аниқ фанлар ва чет тиллари бўйича мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Қолаверса, юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш имкониятини яратади.

Очиғи, ҳудуддаги 871 умумий ўрта таълим муассасаси, айниқса, олис қишлоқлардаги мактабларимизда ўқитувчилар етишмаётганлиги таълим сифатига ўз салбий таъсирини кўрсатаётган эди. Мазкур қарор уларни юқори малакали мутахассислар билан таъминлашдаги барча муаммога ечим топиб берди.

Ҳужжатда янги олий ўқув юртининг асосий вазифалари, тузилмаси ва фаолиятини ташкил этиш, моддий-техника базаси, илмий-педагогик жамоасини шакллантириш чора-тадбирлари ҳам аниқ-равшан белгиланган.

(Давоми 2-бетда).

## ЧИНАКАМ БАХТ ОШЁНИ

Фарғона вилоятида эҳтиёжманд оилаларга замонавий уй-жойлар топширилди.



***Халқимиз азал-азалдан фарзандлари бахту иқболини ўйлаб яшайди. Жигарбандлари турмуши обод, келажаги фаровон бўлиши учун қайғуради. Бу йўлда куч-ғайратини аямайди. Топганини бунёдкорликка сарфлайди — шинам ва кўркам уй-жойлар қуради. Зеро, файзли хонадон — оилаларимиз учун чинакам бахт ошёни.***

2017 ЙИЛ — ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ



Бугун Президентимиз бошчилигида юртимиз аҳолисини уй-жой, айниқса, арзон тураржойлар билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган давлат сиёсати халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганининг боиси ҳам шунда! Қувонарли жиҳати, ана шу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида янада кенг кўламда ҳамда изчил давом эттириш кўзда тутилган.

(Давоми 2-бетда).

## «Бизнес-омбудсман» тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилади

*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, унинг иқтисодиётдаги улушини янада ошириш принципиал жиҳатдан ғоят муҳим бўлиб, Президентимиз томонидан мазкур соҳа ривожига халақит бераётган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш асосий стратегик йўналиш сифатида белгилаб берилди.*

СЎЗ — ФРАКЦИЯ РАҲБАРИГА

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида"ги Фармони тизимнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашда дастуриламал бўлмоқда. Табиийки, мазкур тарихий ҳужжат кенг жамоатчилик, хусусан, тадбиркорлар томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. Бундай сиёсат, айниқса, партиямизнинг асосий электорати бўлган тадбиркорларнинг янада самарали фаолият олиб боришларини кафолатлашга қаратилгани билан ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда).

МУНОСАБАТ

*Олий таълим тизимини такомиллаштириш, ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, пировардида истеъдодли мутахассисларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.*

# Янгича ишлаш – давр талаби

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси асосида давлат ва жамият қурилишини изчил такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқлари равнақини жадаллаштириш, илғор инновацион ва илм-фан ютуқларига асосланган технологиялардан фойдаланган ҳолда, замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга йўналтирилган ишлар босқичма-босқич давом эттирилмоқда. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонида кўзда тутилган вазифалар бу соҳадаги ислоҳотларга янгича мазмун-моҳият бағишлаши, шубҳасиз.

Зеро, бугун халқаро таълим стандартларига мос илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ҳамда ўқув-услубий материалларни кенг жорий қилиш, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб этиш, шунингдек, ривожланган демократик давлатларнинг етакчи таълим ҳамда илмий марказлари базасида тизимли асосда республикамиз олий таълим муассасалари ёш педагог-ўқитувчи ва илмий ходимларининг малака ошириши ҳамда стажировка ўташи, иқтидорли ёшларнинг эса магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олиши кун тартибидаги муҳим масалаларга айланди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси фаолият йўналишлари, мақсад ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш ҳам долзарб аҳамиятга эга. Янги ҳужжатга мувофиқ, Жамғарма номи "Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш "Истеъдод" жамғармаси" деб ўзгартирилди.

Зеро, бугун ҳар қандай соҳа ривожида халқаро тажрибани ўрганиш, самарадорликка эришилаётган лойиҳалардан андаза олишда кенг кўламли ҳамкорлик талаб этилади. Шу маънода, ҳужжатда чет эллардаги нуфузли таълим ва илмий марказлар, халқаро ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга алоҳида урғу берилган. Бу орқали олий таълим муассасалари, шунингдек, раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тармоқ марказларининг ўқув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга киришилади. Қолаверса, иқтисодиётнинг турли тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларидаги республиканинг истиқболли мутахассислари, педагог ҳамда илмий кадрларининг хорижда малака ошириш, стажировка ўташ ва таълим олиш натижасида эгаллаган замонавий илғор билим ҳамда кўникмаларини уларнинг меҳнат, педагогик ва илмий фаолияти тизимли мониторингини олиб бориш орқали амалиётга жорий этилишини таъминлашга эътибор қаратилади. Стипендиатлар республика олий таълим муассасалари, раҳбар ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларининг ўқув жараёнларига изчил жалб этилади.

Мазкур Фармонга кўра, педагог ҳамда илмий кадрларнинг чет элнинг нуфузли таълим ва илмий муассасаларида малака оширишлари ҳамда стажировка ўташлари, олий таълим муассасалари битирувчиларининг магистратура ва PhD дастурлари бўйича ўқишлари 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб мақсадли дастур асосида бажарилиши кўзда тутилган. Мазкур жараён танлов асосида амалга оширилиши эса холисликни таъминлашга хизмат қилади.

Қисқача айтганда, Президентимизнинг ушбу Фармони бозор иқтисодиёти тамойилларини ҳаётга кенг татбиқ этишга хизмат қиладиган, замонавий фан-техника ютуқлари, инновацион технологияларни пухта ўзлаштирган истиқболли мутахассисларни тарбиялаш, педагог кадрлар ва иқтидорли ёшларнинг илмий-педагогик ҳамда интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Абдунаби ПАРДАЕВ,**
**«Истеъдод» жамғармаси ижрочи директори.**

# Ватанга хизмат — муқаддас бурч

*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академиясида навбатдаги битирувчиларга диплом ва кўкрак нишонларини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.*

ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ошириш мақсадида ҳарбий таълим соҳасини тубдан қайта ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Қуролли Кучларимизни ҳар қандай хавф-хатарни бартараф этишга қодир, тезкор қарорлар қабул қила оладиган, замонавий билим ва тафаккурга эга, юксак маънавиятли офицер кадрлар билан тўлдириш тизими ислоҳ этилиб, қатор олий ҳарбий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида таъкидлаганидек, юқори бўғин қўмондонлик офицерларини тайёрлаш ҳамда мудофаа қурилиши соҳасида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш бўйича энг зарур вазифалар самарали ҳал этилмоқда. Бу борада, айниқса, 1995 йилда ташкил этилган Қуролли Кучлар академияси ғоят муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Марказий Осиёда ягона бўлган мазкур муассасада тинчлик ва осойишталик посбонларининг бекаму кўст билим олиши учун барча шарт-шароит мавжуд. Машғулотлар тажрибали мутахассислар ва республикамиздаги олий таълим муассасаларининг етакчи педагоглари томонидан олиб борилади.

Академияда тингловчиларнинг ҳарбий, маънавий-маърифий билимларини оширишга катта аҳамият берилади. Бунда ҳарб илми ва умуман, таълим тизимининг замонавий ютуқлари, моделлаштириш ҳамда симуляция воситаларидан фойдаланилаётгани қўл келаяпти.

— Мана шундай олий таълим даргоҳида билимимни мустаҳкамлаганимдан чексиз фахрланаман, — дейди битирувчи, майор Сардорбек Вафоев. — Бу ерда соҳамизнинг энг илғор тажрибаларини ўргандик. Зиммамиздаги масъулият жуда катта. Юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини сақлашга муносиб ҳисса қўшиш фарзандлик бурчимиз. Биз, албатта, билдирилган юксак ишончни оқлаймиз!

**Муҳаббат МИРЗАЛИЕВА.**

# Шоир маҳоратининг сири

*Ижод, бу — биринчи навбатда, заҳмат ва машаққат демакдир. Ўз ғамини унутиб, эл-юрт ташвиши билан яшай билиш — ижодкорликнинг биринчи шарти. Ана шундай истеъдод соҳибларигина юксак миқёсда эътироф қозона билади. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид устоз Озод Шарафиддинов таъбири билан айтганда, биринчи қадамлариданоқ ҳаммани лол қолдириб, туйғуларини, ҳисларини, фикрларини тутилмаган образларга буркаб, "афсоналарнинг тушига кирмаган сўзлар"да куйлай бошлаган шоирлар сирасига киради. "Очил, эй гул, ки бўстон вақти бўлди" деб номланган шеърий тўплами шоирнинг бадиий савияси баланд асарлар ёзаётганини, ижод заҳматидан ҳаловат топиш унинг ҳаётий аъмоли даражасига кўтарилганини кўрсатади.*

ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

Китобдаги шеърлар тўққиз бобга ажратилган бўлиб, улар номида ҳам чинакам поэзия мужассам: "Саломлар абаддир, онажон", "Менинг кўнглимда бир шам бор", "Гул рангию дил ранги", "То тузди Навоий ояти ишқ...", "Умр ва айём фардлари" ва ҳоказо. Шеърлар мавзу жиҳатидан ҳам ранг-баранг: Ватан, она, ишқ, табиат тасвири, фалсафий, ижтимоий-ахлоқий.

Ҳар бир ижодкорнинг ўз тутуми, ижодий концепцияси, мезонлари бўлади. Аслида, шоиру адиб ижодининг моҳияти ана шу жиҳатига кўра белгиланади. Шоир ким, деган саволга Сирожиддин Саййид: "Ҳазрат Навоийнинг биринчи ва мангу муовини", дея жавоб беради. Ижодга ана шундай катта талаб билан ёндашув самараси бўлган мана бу эътироф, айниқса, эътиборга моликдир:

***Мен дардни ҳеч кимдан***
***Кўчирмадим, йўқ,***
***Ёзганимдан кўра***
***Ўчирганим кўп.***

Сирожиддин Саййид шеъриятида Ватанга муҳаббат туйғуси бетакрор талқин этилади. Бу борада у ҳеч кимни такрорламайди, ифоданинг ўзига хос усулларини топади, маҳоратини муттасил оширишга интилади. Ватанни онага ташбеҳ этиш шеъриятда янгилик эмас. Бироқ шоир назмий талқиннинг шундай йўриғини топадики, сатрлар қуйилиб келади, туйғунинг самимийлиги беихтиёр ўқувчи қалбига ҳам кўчади:

***Булбул яшай олмас чамансиз, она,***
***Инсон хор бўлгайдир ватансиз, она.***
***Ватан барчамизга буюк Онадир,***
***Сиз буюк Ватансиз, Ватансиз, она.***

Бугунги кунда шеъриятимизда фикрни кўҳна арузда ифодалашга интилиш тамойили кучайиб бораётир. Бироқ аруз жиловини бўйсундира олган ижодкор бармоқ билан санарли. Сирожиддин Саййид бу борада маҳорат сирларини эгаллаган камсонли шоирлардан. Биргина мисол:

***Муҳаббат жон билан кўнгил фанидир,***
***Надир ҳолинг бу фандан ташқарида...***
***Ўзингдан ичкари кир, дилга киргил,***
***На бордир жон ва тандан ташқарида?***

Ичкари ва ташқари, ботин ва зоҳир муносабатлари барча даврда ҳам шеъриятнинг бош мавзуларидан бўлиб келган. Зеро, ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, инсон "Ўз вужудига тафаккур айлаган" тақдирдагина моҳиятга етмоғи мумкин. Ана шу ҳаётбахш ғоянинг замонавий шеъриятимизда ҳам маҳорат билан куйланаётгани таҳсинга лойиқ.

***Ватан ичра сафарлар айла, эй дил,***
***Ватан бўлмас Ватандан ташқарида.***

Нақшбандиёна "Сафар дар ватан"нинг замонага мос оҳорли поэтик талқини кўнгилларга нур олиб киради. Қалбу шуурни чинакам ғазалиёт, ҳақиқий шеърият лаззатидан баҳраманд этади.

Лутфий, Атойи, Алишер Навоий, Ҳофиз Шерозий, Заҳириддин Бобур, Адиб Собир Термизий, Сидқий Хондайлиқий, Аваз Ўтар, Муҳаммад Шариф Сўфизода ғазалларига тахмислари, Чўлпоннинг машҳур байтига битган тазмини шоирнинг бу мумтоз жанрда чўнг маҳорат касб этганини тасдиқлайди. Улуғ Алишер Навоийнинг ўнлаб ғазалларига юксак бадиий савияда тахмис боғлагани ҳам бунинг исботидир.

Тўпламга кирган "Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур" достони бадииятнинг юксак намунаси экани билан алоҳида ажралиб туради. Асар одатдаги достонлар каби яхлит сюжетга эга эмас. Таркибий тузилиши жиҳатидан уни тазмин-достон деб аташ мумкин. Достон Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ёки ижоди билан боғлиқ юз лавҳанинг бетакрор бадиий талқини асосига қурилган. Мақсад — бугунги авлод мураккаб ва зиддиятли қисмат соҳиби бўлган бу буюк сиймо сийратини чуқурроқ ўргансин, тафаккур ва тахайюл қилсин, ибрат олсин. Зеро, одамзоднинг умри йиллар саноғи билан эмас, бажарган ишлари салмоғи билан белгиланади. Бор-йўғи қирқ етти йиллик умрида Бобур ўзидан бебаҳо шеърлар, беқиёс "Бобурнома", аруз, фиқҳ ва бошқа илмларга оид асарлар, ундан ҳам муҳими, эзгу ном қолдиришга улгурди. Сирожиддин Саййид достонида ана шу жиҳатлар бутун қамрови, бор кўлами билан тасвирланган.

Шоир "Бобурнома"ни "Шоҳ шоирдан авлодларга мангу ўлмас Қадрнома", ундаги "ҳар бир нома — Тақдирнома", "Бобур чеккан изтироблар, ранжу заҳмат ҳам азоблар, буюк ҳижронидан боблар акс этган Жабрнома", "зафарлар, ҳарбу зарблар тасвирланган Ҳарбийнома", "Тожмаҳалдан ҳам зўр қўрган — Кабир нома", "Ботирнома", "Хотирнома", "Сабрнома", дея васф этади. Бу номларнинг барчаси Бобур ва "Бобурнома" руҳиятига ҳар жиҳатдан мувофиқ бўлиши баробарида, улардан чинакам назмий руҳ уфуриб туради.

Сирожиддин Саййид "умри отда ўтган буюк мусофир", "шоирлиги шоҳлигидан улуғроқ, шоҳлиги ҳам шеъридай огоҳ" Бобур ҳаётидан лавҳаларни келтирар экан, улардан илҳомланиб, одам ва оламнинг моҳиятига доир теран фалсафий умумлашмаларни назмга солади.

Шоирнинг шоирлиги, ижодкорнинг ижодкорлиги шундаки, "Бобурнома"даги, эҳтимол, бошқалар эътибор бермаслиги мумкин бўлган нукталардан ҳам ўзгача таъсирланади. Энг муҳими эса, бу ҳол руҳиятнинг бетакрор тасвири билан йўғрилган оҳорли мисраларнинг ижод этилишига сабаб бўлади. "Панжшанба куни хазонлар сайр қилиб, кеч намозшом Чорбоққа келиб туштум" деган иқтибос таъсирида яратилган мана бу мисралар фикримизни тасдиқлайди:

***Хазонлар сайр этиб чорбоққа тушдим,***
***Ўзим ҳолимни бир сўрмоққа тушдим.***
***Ҳазин кўнглимдайин баргихазонлар,***
***Кўнгил деб сап-сариқ япроққа тушдим.***

Оддий ўқувчи кўзи билан қаралса, "Бобурнома"дан олинган юқоридаги иқтибос одатий хабардек таассурот қолдириши мумкин. "Хазонлар", "намозшом" сўзлари замиридаги ҳазинлик сабабиданми, бу кўчирма шоир руҳиятига чақмоқдек таъсир қилган. Ана шу туйғу таъсирида ижод этилган сатрлар Бобур қалбида кечган туғёнлар, она-диёр ҳажрида буюк фарзанд кўнглини ўртаган армонлар бор мураккаблиги ва зиддиятлари билан тасвирлангани жиҳатидан алоҳида ажралиб туради.

Яхлит ҳолда ушбу достон улуғ мутафаккир бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг буюк қомусий олим, давлат арбоби, беназир шоир, беқиёс шахс сифатидаги сиймосини, бадиий образини ўқувчи кўз ўнгида яққол намоён эта олади. Бу буюк шахс қалбидаги юксак орзулар, унинг ушалмаган армонлари, кўнглида кечган тўфонлару изтироблар теран мазмун ва мукаммал бадиий шакл мутаносиблигида бетакрор бадиий талқин этилади. Бу — достоннинг асосий ютуғи. Шунга кўра, асарни буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймосини ёрқин акс эттирган назмий обида, деб баҳолаш мумкин.

Умуман, "Очил, эй гул, ки бўстон вақти бўлди" тўплами ҳам мазмун-мундарижасининг ранг-баранглиги, ҳам жанрлар кўламининг кенглиги, ҳам юксак бадиий қиммати жиҳатидан миллий шеъриятимиз ривожига қўшилган муносиб ҳисса сифатида баҳоланишга лойиқ.

**Нурбой ЖАББОРОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

ЭЪЛОН

XALQ BANKI

## Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг

**«Омад кулганда» тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяси (3-чиқарилиши) бўйича 2017 йил 29 июлда Нукус шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражи**

## РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

**«Омад кулганда» тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяси (3-чиқарилиши) ютуқлар тиражи лотереянинг бир разряди бўйича ўтказилиб, унда 1 619 239 740 (бир миллиард олти юз ўн тўққиз миллион икки юз ўттиз тўққиз минг етти юз қирқ) сўмлик 144 000 та пул-буюм ютуқлари ўйналди. Ютуқли лотереялар иккита разряддаги бир хил серия ва билет рақамлари бўйича ютуқли ҳисобланади. Тиражда ўйналган ютуқ фонди суммаси иккита разрядда жами 3 238 479 480 (уч миллиард икки юз ўттиз саккиз миллион тўрт юз етмиш тўққиз минг тўрт юз саксон) сўмлик 288 000 та пул-буюм ютуғини ташкил қилди.**

***Серия ва билет рақами қуйидагича бўлган лотерея билетларига жадвалда қайд этилган пул-буюм ютуқлари чиқди:***

| Т/р | Серия рақами | Билет рақами | Ютуқ номи |
|---|---|---|---|
| 1 | 000006 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 2 | 000037 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 3 | 000041 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 4 | 000042 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 5 | 000072 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 6 | 000085 | 090*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 7 | 000088 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 8 | 000104 | 113*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 9 | 000110 | 102*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 10 | 000116 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 11 | 000163 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 12 | 000174 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 13 | 000176 | 066*) | 5 000 000 сўм пул ютуғи |
| 14 | 000177 | 102*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 15 | 000183 | 020*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 16 | 000185 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 17 | 000196 | 103*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 18 | 000233 | 129*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 19 | 000241 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 20 | 000259 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 21 | 000262 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 22 | 000275 | 083*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 23 | 000296 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 24 | 000315 | 028*) | 2 000 000 сўм пул ютуғи |
| 25 | 000317 | 091*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 26 | 000332 | 091*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 27 | 000333 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 28 | 000334 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 29 | 000355 | 115*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 30 | 000370 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 31 | 000389 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 32 | 000391 | 177*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 33 | 000410 | 182*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 34 | 000426 | 064*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 35 | 000430 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 36 | 000445 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 37 | 000452 | 032*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 38 | 000489 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 39 | 000501 | 050*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 40 | 000502 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 41 | 000518 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 42 | 000537 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 43 | 000542 | 013*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 44 | 000543 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 45 | 000560 | 119*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 46 | 000565 | 190*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 47 | 000567 | 017*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 48 | 000578 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 49 | 000580 | 184*) | 5 000 000 сўм пул ютуғи |
| 50 | 000608 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 51 | 000618 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 52 | 000637 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 53 | 000646 | 090*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 54 | 000650 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 55 | 000668 | 017*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 56 | 000678 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 57 | 000696 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 58 | 000699 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 59 | 000710 | 119*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 60 | 000712 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 61 | 000720 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 62 | 000747 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 63 | 000758 | 025*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 64 | 000763 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 65 | 000775 | 041*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 66 | 000805 | 070*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 67 | 000817 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 68 | 000818 | 043*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 69 | 000830 | 177*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 70 | 000832 | 181*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 71 | 000850 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 72 | 000865 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 73 | 000871 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 74 | 000875 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 75 | 000918 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 76 | 000922 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 77 | 000927 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 78 | 000930 | 131*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 79 | 000937 | 121*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 80 | 000970 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 81 | 000972 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 82 | 000986 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 83 | 000990 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 84 | 001015 | 172*) | 5 000 000 сўм пул ютуғи |
| 85 | 001048 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 86 | 001083 | 046*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 87 | 001086 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 88 | 001092 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 89 | 001105 | 059*) | 2 000 000 сўм пул ютуғи |
| 90 | 001106 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 91 | 001111 | 070*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 92 | 001121 | 001-200 | 50 000 сўм пул ютуғи |
| 93 | 001125 | 101*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 94 | 001126 | 123*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 95 | 001127 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 96 | 001128 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 97 | 001129 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 98 | 001155 | 166*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 99 | 001162 | 046*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 100 | 001166 | 024*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 101 | 001174 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 102 | 001182 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 103 | 001185 | 093*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 104 | 001192 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |

| Т/р | Серия рақами | Билет рақами | Ютуқ номи |
|---|---|---|---|
| 105 | 001207 | 032*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 106 | 001216 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 107 | 001235 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 108 | 001266 | 026*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 109 | 001291 | 028*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 110 | 001296 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 111 | 001302 | 149*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 112 | 001343 | 014*) | 2 000 000 сўм пул ютуғи |
| 113 | 001345 | 126*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 114 | 001355 | 143*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 115 | 001402 | 120*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 116 | 001415 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 117 | 001418 | 192*) | 2 000 000 сўм пул ютуғи |
| 118 | 001428 | 126*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 119 | 001431 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 120 | 001478 | 108*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 121 | 001496 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 122 | 001498 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 123 | 001500 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 124 | 001512 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 125 | 001527 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 126 | 001557 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 127 | 001573 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 128 | 001589 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 129 | 001602 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 130 | 001607 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 131 | 001609 | 128*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 132 | 001620 | 090*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 133 | 001637 | 191*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 134 | 001652 | 131*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 135 | 001692 | 015*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 136 | 001698 | 137*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 137 | 001709 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 138 | 001713 | 008*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 139 | 001716 | 001-200 | 50 000 сўм пул ютуғи |
| 140 | 001726 | 047*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 141 | 001731 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 142 | 001742 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 143 | 001753 | 182*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 144 | 001759 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 145 | 001764 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 146 | 001774 | 188*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 147 | 001781 | 090*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 148 | 001786 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 149 | 001805 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 150 | 001818 | 110*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 151 | 001834 | 044*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 152 | 001862 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 153 | 001875 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 154 | 001893 | 031*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 155 | 001911 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 156 | 001913 | 128*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 157 | 001917 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 158 | 001940 | 013*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 159 | 001945 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 160 | 001955 | 062*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 161 | 001964 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 162 | 001981 | 180*) | 5 000 000 сўм пул ютуғи |
| 163 | 001995 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 164 | 002006 | 004*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 165 | 002029 | 096*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 166 | 002034 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 167 | 002037 | 180*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 168 | 002039 | 111*) | 2 000 000 сўм пул ютуғи |
| 169 | 002046 | 022*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 170 | 002053 | 043*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 171 | 002055 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 172 | 002069 | 172*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 173 | 002073 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 174 | 002079 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 175 | 002086 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 176 | 002100 | 031*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 177 | 002101 | 026*) | 2 000 000 сўм пул ютуғи |
| 178 | 002116 | 128*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 179 | 002120 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 180 | 002148 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 181 | 002167 | 098*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 182 | 002173 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 183 | 002175 | 162*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 184 | 002181 | 017*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 185 | 002183 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 186 | 002187 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 187 | 002202 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 188 | 002208 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 189 | 002216 | 001-200 | 50 000 сўм пул ютуғи |
| 190 | 002225 | 174*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 191 | 002227 | 023*) | 2 000 000 сўм пул ютуғи |
| 192 | 002230 | 090*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 193 | 002235 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 194 | 002250 | 177*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 195 | 002267 | 086*) | 2 000 000 сўм пул ютуғи |
| 196 | 002276 | 073*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 197 | 002277 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 198 | 002283 | 001-200 | 5 000 сўм пул ютуғи |
| 199 | 002291 | 116*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 200 | 002299 | 001-200 | 10 000 сўм пул ютуғи |
| 201 | 002335 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 202 | 002362 | 001-200 | 25 000 сўм пул ютуғи |
| 203 | 002379 | 001-200 | 100 000 сўм пул ютуғи |
| 204 | 002382 | 034*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 205 | 002390 | 088*) | 1 000 000 сўм пул ютуғи |
| 206 | 002391 | 076*) | 500 000 сўм пул ютуғи |
| 207 | 002393 | 062*) | 500 000 сўм пул ютуғи |

(Давоми 4-бетда).

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси Қўмита раиси Б. Б. Ниёзматовга ўғли

**ИСКАНДАРБЕКнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

